

Аччиқ чой



14:35 / 14.07.2025 1734

Пиёладаги чойингизга шакар қўшдингиз. Лекин чойдаги шакарни ҳаракатлантириб қўймадингиз. Чойни ичсангиз, шакарнинг ширинлигини ҳис қиласизми? Албатта, ҳис этмайсиз.

Пиёла ичига бироз муддат тикилиб турунг, кейин чойдан хўплаб кўринг, ўзгариш борми, ширинликни сездингизми? Менимча, сезмадингиз. Чой борган сари совиб бораётганини сезмаяпсизми? Сиз ҳали ҳам ундаги ширинликни тотмадингиз. Охирги уриниш: икки қўлингизни бошингизга қўйинг ва пиёла атрофида айлантинг, шу онда чой ширин бўлиб қолишини орзу қилинг. Буларнинг ҳаммаси ақлсизликнинг кўринишидир. Баъзида кулгили бўлади. Чой эса ҳеч қачон ширин бўлмайди, совиб қолади, сиз у чойни ҳеч қачон ичмайсиз. Ҳаёт ҳам шундай. У худди аччиқ чойнинг идишига ўхшайди. Аллоҳ таоло сизу бизга ато этган имкониятлар,

одамларга яхшиликни ишташ ва Аллоҳ таоло ичимизга жо қилган яхшилик мисоли шакардир. Демак, бу шакарни ҳаракатлантирганимизда ширин таъмни сезамиз.

Дунёингиз учун меҳнат қилинг, охиратни ҳам унутманг! Аллоҳ таолонинг хоҳиши билан ҳаётингиз афзал томонга ўзгариши учун Аллоҳ таолога таваккал қилинг. ИншаАллоҳ жидду жаҳд ва меҳнатнинг ширин натижасини тотасиз. Ҳаётингиз таъбга мос бўлган ҳар қандай чой идишидан афзал бўлади.

**«Вазиятларни бошқариш санъати» китобидан
Нозимжон Ҳошимжон таржимаси**

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2025 йил 17 мартдаги 03-07/1750-сонли рухсати асосида тақдим қилинди.